



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Алимов Ильхомжон Икромович

*Тошкент давлат транспорт университети доценти, и.ф.н. Тошкент,
Ўзбекистон. ilhomikromovich2805@gmail.com*

ORCID:0000 0001 7736 963X

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i5

Аннотация

Мазкур мақолада халқаро амалиётда давлат бюджети тақчиллигининг моҳияти ва уни молиялаштириш усулларининг асослари, унинг ривожланиш бошқичлари ва ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан то ҳозирги вақтгача давлат бюджети тақчиллиги муаммоси мавжуд. Мамлакатимизда кейинги вақтларда давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда асосан давлат ташқи қарзларидан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу йўналишда ички имкониятлардан кам фойдаланилмоқда. Мақолада қиёсий таҳлил усули асосида Ўзбекистонда давлат бюджети тақчиллигини қисқартиришнинг замонавий ҳолатига муаллифлик баҳоси берилган.

Калит сўзлар: Давлат, қонун, вазифалар, бюджет, солиқлар, харажатлар, тақчиллик, давлат ички қарзи, давлат ташқи қарзи, давлат қарз мажбурияти.

Особенности современного состояния финансирования дефицита государственного бюджета в Республике Узбекистан

Алимов Ильхомжон Икромович

*доцент Ташкентского государственного транспортного университета, к.э.н. Ташкент,
Узбекистан.*

Аннотация

В данной статье раскрывается сущность дефицита государственного бюджета и рассматриваются методы его финансирования, этапы развития. В Республике Узбекистан с приобретением независимости и по настоящее время имеется проблема дефицита государственного бюджета. В нашей стране в настоящее время для финансирования дефицита государственного бюджета в основном используются государственный внешний долг. В этом направлении внутренние возможности мало используются. В статье с использованием метода сравнительного анализа дана авторская оценка современного состояния сокращения дефицита государственного бюджета Узбекистана.

Ключевые слова: Государство, закон, функции, бюджет, налоги, расходы, дефицит, государственный внутренний долг, государственный внешний долг, государственное долговое обязательство.

The current features of financial deficit of the state budget of the Republic of Uzbekistan

Alimov Ilhomjon Ikromovich

Associate Professor Tashkent State Transport University, PhD. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

This article reveals the essence of the state budget deficit and its methods of its financing and the stages of development are being considered. In Uzbekistan, since the acquisition of independence and to the present day there is a problem of state budget deficit. In our country at present, to finance the state budget deficit, mainly the public external debt is used. In this direction domestic opportunities are little used. This article, using the method of comparative analysis was given the author's (assessment) evolution of the current state of reducing the state budget deficit of country.

Key words: State, law, functions, budget, taxes, expenses, deficit, domestic government debt, government external debt, government debt obligation.

Кириш

Давлат зиммасига юклатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни тўлиқ, ўз муддатларида ҳамда ижобий ҳал этиши учун керакли молиявий асос талаб этилади. Ушбу молиявий асоснинг марказий бўғинини давлат бюджети ташкил этади. Давлат молиясини соғломлаштириш, унинг даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган бюджет-солиқ тизимидаги ислохотларнинг hozirgi босқичида янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги даврда давлат бюджети тақчиллиги муаммоси нафақат иқтисодчи олимларнинг, балки дунёдаги қашшоқ ёки ривожланаётган мамлакатлар билан бир қаторда иқтисодиёти тараққий топган мамлакатлар ҳукуматларининг ҳам асосий диққат эътиборига тушган умумиқтисодий ҳолат ҳисобланади. Айниқса, ушбу муаммо бутун дунёда ҳамон давом этаётган коронавирус пандемиясига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолликнинг кескин пасайишининг оқибатларини бартараф этишда жиддий тус олмоқда. Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёдаги кўплаб, шу жумладан иқтисодиёти тараққий этган давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия – банк соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлмоқда.

Бу, ўз навбатида, дунёдаги кўплаб давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди ҳамда молиявий номутаносибликнинг юзага чиқишига сабаб бўлди. Мустақилликка эришилган йилдан бошлаб республикамизда давлат бюджети мунтазам тарзда тақчиллик билан ижро этиб келинмоқда. Мамлакатимизда 2018 йилда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,8 фоиз, 2019 йилда 1,1 фоиз, 2020 йилда 1,9 фоиз, 2021 йилда 5.4 фоиз ва 2022 йилда 3.0 фоиз тақчиллик билан ижро этилди. 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоиз миқдорда тақчиллик билан қабул қилинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида давлат бюджетининг белгиланган миқдордаги даромадлар билан таъминлаш масаласининг айрим қийинчиликлар билан ҳал этилаётганини, кейинги йилларда солиқ юкини енгиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилаётганлиги натижасида давлат бюджети тақчиллиги давлатнинг олдига қўйилган вазифаларни

муваффақиятли бажаришига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Шу боисдан ҳозирги вақтда давлат бюджетини оқилона ва самарали, яъни унинг меъёридан ортмаган тақчиллигисиз ижро этишни таъминлаш жуда долзарб масала эканлигидан далолат бермоқда. Ушбу ҳолатга ўз диққат эътиборини қаратган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қўйидагиларни алоҳида таъкидлади “Шунингдек, 2021 йилда иқтисодиётни камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5.4 фоиздан ошмаслигини таъминлашимиз зарур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмаслик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим”[1]. Шунинг учун давлат бюджетини, шу жумладан бюджет тақчиллигини қисқартиришнинг назарий-амалий асосларини янада такомиллаштириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Халқаро амалиётда иқтисодий адабиётларда етакчи иқтисодчи олимлар ҳар бир давлатнинг молия тизимини асосий бўғини бўлган давлат бюджети ва бюджет тақчиллиги, уни бошқариш муаммоларига катта эътибор қаратиб келишган ва ҳозирда ҳам эътибор бермоқдалар.

Буюк Британиялик машҳур иқтисодчи ва йирик давлат арбоби Жон Мейнард Кейнс 1936 йилда чоп этилган “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” (“Общая теория занятости, процента и денег”) деб номланган китобида моҳиятан янги тартибга солинадиган иқтисодиёт назариясига асос солди. Халқаро амалиётда барқарорлаштириш сиёсати, энг аввало бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришни кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Ҳар бир мамлакатда барқарорлаштириш сиёсати, энг аввало унинг молия сиёсатига бориб тақалади. Иқтисодиётни барқарорлаштиришга хизмат қиладиган янги назарияга ва унинг молия концепциясига Жон Мейнард Кейнс асос солди. Унинг иқтисодий таълимоти давлатнинг молия сиёсатини шакллантириш ва фискал сиёсатни ишлаб чиқишга улкан ҳисса қўшди. Жон Мейнард Кейнс давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда давлат ташқи ва ички қарзларидан фойдаланиш сиёсатини амалиётга киритган [5].

Россиялик етук иқтисодчи олим иқтисодиёт фанлари доктори, профессор В.Ю. Касатонов ўз ишланишларида халқаро амалиётда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллигининг моҳияти, уларни юзага чиқиш сабаблари ҳамда уларни молиялаштириш усуллари кенг ёритиб берган.[6] Иқтисодиёт фанлари доктори, академик Г.Б. Поляк [7]. иқтисодиёт фанлари доктори, академик В.К. Сенчагов ва профессор И.А. Погосовларнинг [8] илмий изланишларида давлат бюджетини тақчиллигининг моҳияти ва унинг хусусиятлари кенг очиб берилган. Ушбу изланишларда Россия Федерацияси федерал бюджети тақчиллигини молиялаштиришда асосан давлат ички қарзларидан фойдаланишга эътибор берилган. Халқаро амалиётда давлат бюджети тақчиллигини моҳияти, унинг келиб чиқиш сабаблари ва тақчилликнинг ҳисоблаш масалалари бўйича етакчи иқтисодчи олим Карсон Роберт Бнинг изланишларида чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилган [9].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар иқтисодиёт фанлари докторлари, профессорлар Т.С. Маликов, О.О. Олимжонов ва Н.Х. Хайдаровларнинг [10, 11, 12] илмий изланишларида Ўзбекистонда давлат бюджетини тақчиллигининг моҳияти ва унинг хусусиятлари ёритиб берилган. Иқтисодиёт фанлари номзоди У.А.Бурхановнинг [13]. илмий изланишида Ўзбекистонда давлат бюджети тақчиллиги масаласи

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йиллардан бошлаб амалий маълумотлар асосида таҳлил этилган ва давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Мақола муаллифи ўзининг монографиясида республикада давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда ички имкониятларга эътибор берган [14].

Мамлакатимизда давлат бюджети тақчиллиги муаммосини ўрганиш билан бирга, иқтисодиёти тараққий топган ва ривожланаётган мамлакатларнинг давлат бюджети тақчиллиги юзага чиқиш сабабларини таҳлил этиш ва уларда бюджет тақчиллигини қисқартириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирларни ўрганиш, бизга, ушбу соҳада келажакда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни олдини олиш имкониятини яратади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот олиб бориш ва натижаларни асослаш мақсадида мантиқий мушоҳада, адабиётларни танқидий ўрганиш, таққослаш, тизимли таҳлил ва иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақоланинг услубий асоси сифатида хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг адабиётлари ва мақолалари таҳлил этилган. Хозирда мамлакатимизда давлат бюджети тақчиллигини таҳлил этишда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг расмий маълумотлари ва Жаҳон банкининг расмий сайтидаги маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда давлат бюджетининг бошқаришда бюджет тақчиллиги ва уни бошқариш масаласи жуда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда давлат бюджетининг тақчиллиги давлат олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, иқтисодиёти тараққий топган мамлакатларда давлат бюджети тақчиллиги ҳар доим ҳам салбий ҳолатни билдирмайди. 1929 - 1933 йилларда дунёда юзага келган жаҳон иқтисодий инқирозидан чиқиш бўйича глобал чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш талаб этилди. Айнан жаҳон иқтисодий инқирозининг бевосита таъсири остида Англиялик иқтисодчи олим Жон Мейнард Кейнс моҳиятан янги тартибга солинадиган иқтисодиёт назариясига асос солди. Ж.М.Кейнснинг ишлаб чиққан молия концепциясининг умумий ғоясини қўйидаги асосий омиллар ташкил этади:

1. Кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг барча муҳим муаммоларини классик назария намоёндалари таклиф этган ресурслар таклифи нуқтаи – назаридан эмас, балки ресурсларнинг сотувини таъминловчи талаб нуқтаи- назаридан ўрганиш лозим.

2. Иқтисодиёт ўзини-ўзи тартибга солиб туриш қобилиятига эга эмас. Капиталнинг жуда улкан миқёсда моддийлашганлиги шароитларида бу жараёнга давлатнинг кенг кўламда аралашуви муқаррар. Давлат аралашуви иқтисодиётнинг нарх-наво ёрдамида автоматик тарзда тартибга солиб туриш механизмининг кенг тўлдирилган ҳолда тартибга солиб туриши керак.

3. Иқтисодиётда ортиқча ишлаб чиқариш бўйича юзага келадиган инқирозлар омили истеъмол талабини етарли даражада эмаслиги ҳисобланади ва шунинг натижасида иқтисодиётда мувозанатни сақлаш муаммосини талаб нуқтаи назаридан ҳал қилиш лозим. Шунинг учун Ж.М.Кейнс иқтисодий таълимотга моҳиятан янги “самарали талаб” атамасини киритди. Самарали талаб ўз моҳиятига асосан истеъмол ва ишлаб чиқариш, даромадлар ҳамда бандлик ўртасидаги мувозанатни англатади.

4. Иқтисодий таълимотга “самарали талаб” атамасини киритилиши Д.Рикардо мактабидан кейин барча иқтисодчилар инкор этган макроиқтисодий кўрсаткичлар (ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад) чуқур таҳлил этилишига кайтишликни талаб этди. Макроиқтисодий кўрсаткичларга қайтиш умуман иқтисодий тизим яхлит ҳолатда қандай фаолият юртаётганлигининг аниқлаш билан бирга иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган, тақсимланаётган ҳамда истеъмол қилинаётган қийматларнинг барча оқимлари ҳаракатини ўрганиш имкониятини яратди.

5. Иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий инструменти бюджет сиёсати ҳисобланади. Давлат бюджети ва молия сиёсатининг вазифаси бўлиб ишчи кучининг бандлигини ҳамда ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш ҳисобланади [5].

“Самарали талаб” ғояси асосида давлатнинг бутун молия концепцияси қайта кўриб чиқилди. Давлат молияси назарияси бандлик ва даромадлар назарияларининг таркибий қисми сифатида ҳамда молия сиёсати бутун иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида ўрганила бошлади. Бундан ташқари, иқтисодиётда давлат молиясининг алоҳида категорияларининг эгаллаган ўринлари ва роллари белгилаб берилди. Ж.М.Кейнс иқтисодиётни цикл ривожланиши ва ундаги инқирозларни бартараф этишда давлат аралашувини асосий инструмент сифатида давлат харажатларидан фойдаланишликни назарда тутди. Шу асосда давлат харажатларини шаклантирилиши, таркиби ва миқдорининг ўсиши самарали талабга етиш учун жуда муҳим ва бўлинмас омил ҳисобланади. Ж.М.Кейнснинг энг асосий ғояси шундан иборатки, давлат харажатларини ошириш ва ушбу маблағлар етмаган тақдирда “қарзлар ёрдамида молиялаштиришни” таклиф этди. Унинг ғоясини давомчилари ушбу назарияни “тақчиллик асосида молиялаштириш” деб номладилар. Ж.М.Кейнснинг фикрича, давлатнинг жорий харажатларини қарзлар ҳисобига ҳам молиялаштириш “истеъмолга мойилликни” оширади ва бунинг натижасида “инвестицияларга мойиллик” ҳам ортади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ж.М.Кейнсгача давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг мутаносиблик мажбурийлиги ҳамда бюджет тақчиллигини фақат салбий ҳолат сифатида ёндашув мавжуд эди. Ж.М.Кейнс ушбу дунёқарашларга чек қўйди. Унинг фикрича ссуда капиталлар бозорида марказий банк ёрдамида “самарали талаб”га эришиш мумкин ва шу асосда, давлат бюджети тақчиллиги миллий иқтисодиётни тартибга солиб турувчи воситаларидан бирига айланади [5].

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жаҳон амалиётида давлат бюджети тақчиллиги мамлакат миллий иқтисодиётига жиддий хавф туғдирадими ёки бунинг акси тақчиллик иқтисодиётни ривожлантиришда фойдалими, деган савол ҳозирда ҳам дунёнинг етакчи иқтисодчи олимлари ўртасидаги муҳим масала ҳисобланади. Европа Иттифоқига аъзо ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ўзларининг ривожланиш босқичларида давлат ташқи қарзи ва давлат бюджети тақчиллиги бўйича ўзига хос тажрибага эгадирлар. Айнан, евроҳудуд мамлакатларида (евроҳудуд мамлакатларига ҳозирда 27 мамлакат киради) Маастрихт шартномасида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар учун “евроҳудуди”да иштирок этишлари учун 1993 йил 2 майдан бошлаб қуйидаги қатъий мезонлар ўрнатилган:

- давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3.0 фоиздан ортмаслиги лозим. Агарда белгиланган ушбу норматив бузилса, уни бузган давлатга нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланилади;

- давлат ташқи қарзи миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60.0 фоиздан ортмаслиги лозим (ёки ушбу кўрсаткичга барқарор яқинлашиб боришлик мумкин) [6].

Халқаро амалиётда етакчи иқтисодчи олимлар ўртасида бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг усуллари тўғрисида турли қарашлар мавжуд. И.А.Погосовнинг фикрича, “давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг асосан икки усули мавжуд:

- биринчидан, давлат қарзлари ҳисобидан молиялаштириш. Давлат қарзлари ўз вақтида ички манбалар, бунда давлат бюджетини тақчиллиги фақатгина мамлакат ичидаги манбалар ҳисобига молиялаштирилади ва ташқи манбалар, бунда давлат бюджетининг тақчиллиги мамлакат ҳукумати томонидан хорижий мамлакатлар ҳукуматларидан, халқаро молия институтларидан, ҳамда, дунёдаги йирик тижорат банкларидан олинган давлат қарзлари ҳисобига молиялаштирилади;

- иккинчидан, муомалага янги пулларни эмиссия қилиши ҳисобига” [8].

Бунда давлат бюджети тақчиллигининг асосий тамойилларини, унинг ривожланиш аънаналарини, уни тартибга солиш усулларини ва молиялаштиришнинг асосий манбаларини ўрганган Ўзбекистонлик иқтисодчи олим У.А.Бурхановнинг фикрича, “бюджет тақчиллигини молиялаштиришни иккита йирик гуруҳга ажратилади: эмиссияли ва қарзли молиялаштириш. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг бу икки усули билан бирга, яна бир ноинфляцион усул – давлат активларини сотиш орқали тақчилликнинг маълум қисми молиялаштирилади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ҳар қайси ҳолатини иқтисодиётга таъсири бир хил бўлмайди, шунинг учун, молиялаштириш манбаларини таҳлил этиш талаб этилади. Агар, тақчилликни молиялаштириш манбаларини янада аниқлаштириدىган бўлсак, юқоридаги икки гуруҳнинг бирига тегишли бўладиган қуйидаги аънавий манбалар мавжудлигини кўриш мумкин:

1. Марказий банкдан қарз олиш, ёки тақчилликни эмиссияли молиялаштириш (пулли молиялаштириш);
2. Тижорат банкларидан қарз олиш (қарзли молиялаштириш);
3. Маблағларни мамлакат ичкарисидаги банк бўлмаган соҳалардан қарз олиш (қарзли молиялаштириш);
4. Валюта заҳираларини ишлатилиши, ёки ташқи давлатлардан қарз олиш (қарзли молиялаштириш);
5. Давлат мулкни сотиш ва бошқа ноинфляцион манбалар” [13].

Бюджет тақчиллигини қисқартиришда, мамлакат ҳукумати юқорида таъкидлаб ўтилган усулларнинг биридан, ёки бир нечтасидан фойдаланиши мумкин. Бюджет тақчиллигини қисқартиришда фойдаланиладиган усулларнинг ҳар бирини иқтисодий табиати турлича, шу сабабли, улар мамлакатдаги молиявий ҳолатга турлича, айрим ҳолатларда бир-бирига тескари таъсир кўрсатиши мумкин. Бюджет тақчиллигини қисқартиришда мамлакат ҳукумати томонидан нотўғри олиб борилган сиёсат мавжуд тақчилликни ортишига ва бунинг натижасида иқтисодий аҳволнинг мушкуллашувига, ҳамда аҳоли ўртасидаги норозиликларга олиб келиши мумкин. Бизнинг фикримизча, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг манбаларидан қатъий назар, уни тартибга солишни қуйидаги олтита турини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

1. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун мамлакат марказий банкидан кредитлар олиш, яъни муомалага қўшимча пул эмиссиясини амалга ошириш;
2. Олтин-валюта заҳираларидан фойдаланиш;
3. Давлат бюджети харажатларининг хажмини қисқартириш;

4. Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш, яъни амалиётга янги солиқ турлари киритиш ёки амалдаги солиқларнинг ставкаларини ошириш;

5. Давлат мулкни маҳаллий ва хорижий сармоядорларга сотиш;

6. Мамлакат аҳолисидан, маҳаллий хўжалик юритувчи субъектлардан, хорижий мамлакатлар ҳукуматидан, халқаро молия ташкилотларидан ва йирик хорижий тижорат банкларидан қарз олиш.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан давлат бюджети даромадларини ошириш ва уларни мунтазам равишда келиб тушишини таъминлаш, давлат бюджети харажатларини самарали ҳамда манзиллик сарфланишини олиб боришлари натижасида давлат бюджети тақчиллигининг белгиланган меъёр даражасидан ортиб кетмаслигига эришилмоқда. Лекин эришилган ижобий натижаларга қарамасдан Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда ҳам давлат бюджети тақчиллиги муаммоси мавжуд. Биз ушбу ҳолатни қуйидаги жадвалда келтиришимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 1995-2022 йиллардаги даромадлари, харажатлари ва тақчиллиги тўғрисидаги маълумот¹

(млрд.сўмда)

т\р	Йиллар	Бюджет даромадлари	Бюджет харажатлари	Бюджет тақчиллиги	
				сумма	ЯИМга нисбатан %
1	1995 й	60,1	65,2	5,1	4,1
2	1996 й	182,5	202,1	19,6	3,5
3	1997 й	371,6	400,1	28,5	3,0
4	1998 й	399,5	437,7	38,2	1,8
5	1999 й	622,0	658,7	36,7	1,7
6	2000 й	909,2	943,2	34,0	1,1
7	2001 й	1254,8	1310,3	55,5	1,0
8	2002 й	2342,1	2376,9	34,8	1,0
9	2003 й	2518,2	2573,5	55,3	0,8
10	2004 й	2780,9	2743,2	37,7	0,4
11	2005 й	3330,0	3420,0	90,0	0,6
12	2006 й	4263,8	4332,6	68,8	0,4
13	2009й	10421,4	10658,9	237,5	0,5
14	2010й	13221,0	13550,0	329,0	0,5
15	2013й	25890,0	26012,0	122,0	0,5
16	2016й	40810,1	41400,0	589,9	0,4
17	2017й	48476,0	49090,0	614,0	1,0
18	2018й	62500,0	74000,0	11500,0	1,8
19	2019й	112200,0	118008,0	5808,0	1,1
20	2020й	132900,0	144100,0	11200,0	1,9
21	2021й	178712,0	216246,6	37534,4	5,4
22	2022й	254582,5	280128,7	25546,2	3,0

Юқоридаги жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда бюджет тақчиллигининг мутлоқ суммаси йилдан- йилга ортиб

боргани билан бир вақтда унинг ялпи ички маҳсулот хажмига нисбати ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга.

Биз мазкур мақоламизда давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда юқорида қайд этилган усуллардан айримларини мамлакатимизда фойдаланаётганлигини ёритамиз.

Давлат бюджети тақчиллигини қисқартиришда ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланиш амалиётга киритилган. АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқа иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кенг миқёсда “реприватизация”, яъни давлат мулкани сотиш ва давлат мулкчилигига асосланган корхоналарни акциядорлик жамиятига айлантириш амалга оширилди. АҚШ Президенти Р.Рейган ва Буюк Британия бош вазири М.Тетчер давлат мулкани хусусийлаштириш ва улар асосида акциядорлик жамиятлари ҳамда хусусий корхоналарни ташкил этишга жуда катта эътибор қаратганлар. Халқаро амалиётда улар олиб борган ушбу иқтисодий сиёсат “рейганомика” ва “тетчеризм” деб аталади [16].

Ушбу сиёсат натижасида давлат мулкчилигидаги корхоналарнинг хусусийлаштириш асосида ташкил этилган хусусий корхоналар рақобатбардош эканлиги ва уларда янги инвестицияларни молиялаштиришни амалга оширишга қодирлигини исбот қилдилар. Энг асосийси, хусусийлаштиришдан келган жуда катта миқдордаги маблағлар давлат бюджети тақчиллигини қисқартиришга сарфланди. Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда давлат мулкани сотиш ва давлат мулкчилигига асосланган корхоналарни акциядорлик жамиятига айлантириш бўйича йирик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Таркибий ислохотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришдир. Биз давлат активларини очиқ-ошкора ва самарали сотиш учун, халқаро молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кенг қамровли ишларни бошладик. Келгуси йилда “Фарғона азот” ва “Дехқонобод калий” заводлари, “Кока-кола ичимлиги” корхонаси, “Билдирсой” ва “Чорвоқ” оромгоҳлари, “Ичан қалъа” ва “Ҳайат Реженси” меҳмонхоналари, “Пойтахт” бизнес мажмуаси, Алкоголь, Ёғ-мой каби тармоқлардаги 83 та йирик корхонадаги давлат улуши сотувга қўйилади. Умуман олганда, давлат улуши бўлган корхоналар сони, келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилади”[1].

Ушбу омил республикамизда давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан қоплаш бўйича ривожланган хорижий мамлакатлардаги каби давлат мулкани хусусийлаштиришдан келадиган даромадларни ошириш бўйича аниқ белгиланган чора-тадбирларни амалга оширилишини талаб қилади.

Давлат бюджети тақчиллигининг қисқартиришнинг усулларида бири бўлиб мамлакат ҳукумати томонидан, аҳолидан, миллий хўжалик юритувчи субъектлардан, хорижий давлатлар ҳукуматларидан, халқаро молия ташкилотларидан ва йирик тижорат банкларидан қарз олиш ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат бюджети тақчиллигини қисқартиришнинг ушбу усули энг нозик, шунинг билан бир вақтда замонавий усул ҳисобланади. Ушбу усулдан фойдаланадиган мамлакат ҳукумати ўз номидан давлат қимматли қоғозларини чиқариш орқали миллий ва хорижий валютадаги маблағларни жалб этади. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардан Греция, Португалия, Испания ва Италияда марказий ҳукумат томонидан давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш мақсадида муомалага давлат облигацияларини чиқариш ва уларни хорижий сармоядорлар ўртасида жойлаштириш

ишлари фаол олиб борилмоқда[17]. Мамлакатимизда кучга кирган янги бюджет кодексининг 152-моддасига асосан Давлат томонидан маблағ жалб қилиш ички ва хориждан маблағ жалб қилиш кўзда тутилган [2].

Мамлакатимизда янги қабул қилинган бюджет кодексига давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш учун жалб этиладиган маблағ турларига алоҳида эътибор берилган. Янги кодекснинг 153-моддасига асосан Давлат томонидан маблағ жалб қилиш турлари белгилаб қўйилган. Улардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган давлат қимматли қоғозлари бўйича қарз мажбуриятлари ҳисобланади [2]. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги вақтларда мамлакатимизда давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда асосан маҳаллий сармоядорлар учун давлат қимматли қоғозлари муомалага чиқарилмоқда. Давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан қоплаш бўйича республикада ривожланган хорижий мамлакатлардаги каби муомалага давлат қимматли қоғозларини чиқариш бўйича аниқ белгиланган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПФ-4086 сонли қарорининг 32- бандида Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигига 2019 йил мобайнида қатъий белгиланган купон ставкасида 5 йил ва ундан ортиқ муомала муддатига эга бўлган 500 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган суммада Ўзбекистон Республикасининг суверен облигациялари чиқариш ва жойлаштириш белгиланган эди [4]. 2019 йилнинг 14 феврида Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида илк бор муомала муддатлари 5 ва 10 йиллик бўлган, бир миллиард АҚШ доллари миқдоридagi еврооблигацияларни Лондон фонд биржасида жойлаштирди. Муомала муддати 5 йиллик еврооблигацияларнинг даромадлиги йилига 4,75 фоизни ва қоплаш муддати 2024 йилни ташкил этади. Муомалага муддати 10 йиллик еврооблигацияларни даромадлиги йилига 5,375 фоизни ва қоплаш муддати 2024 йилни ташкил қилади. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан қисқартиришда хорижий қарзлардан фойдаланиш амалиёти давом эттирилмоқда[18].

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “ 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813 сонли қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг аввалги қонунлардан асосий фарқи шундан иборатки, унда 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдоридa белгиланган. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги чекланган миқдорининг ошириб кетишига олиб келиши мумкин бўлган қўшимча харажатлар фақат қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилиши белгиланган. Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилди.

2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-

қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун — 2,0 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун — 2,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгиланган. 2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 17,0 трлн сўм миқдорида белгиланган. Бунда молия йили давомида чиқариладиган ҳамда жорий йилда қопланадиган Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари чекланган соф ҳажмга киритилмаслиги белгилаб қўйилган.[3] Юқорида қайд этилган омиллар Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими, шу жумладан бюджети тақчиллигини молиялаштириш дунёдаги иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибаларга асосланган ҳолда шакллантирилмоқда эканлигидан далолат беради. Лекин фикримизча, мамлакатимизда давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда дунёдаги иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалардан тўлиқ фойдаланилмапти.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетини даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни оқилона сақлашда давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсат жуда муҳим ўрин эгаллайди ва бевосита унга таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, давлат бюджети тақчиллигини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш, унга таъсир этувчи омилларни чуқур таҳлил ҳамда уларни хар томонлама ўрганиш тараққиётнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳолат эса, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошишига, дунё мамлакатларининг Ўзбекистонга нисбатан ишончини ортиб боришига олиб келади.

Фикримизча, республикаимизда давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

-давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан молиялаштиришда давлат ташқи қарзлар ҳажмини қисқартириш ва ички қарзлар ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

-республикаимизда давлат қимматли қоғозлари сармоядорлари таркибини кенгайтириш лозим. Хозирда давлат қимматли қоғозлари сармоядорлари фақатгина маҳаллий тижорат банклари ҳисобланади. Республикаимизда давлат қимматли қоғозлари сармоядорлари таркибига ривожланган давлатлардаги (АҚШ, Япония, ГФР ва бшқалар) амалиётга асосан мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компанияларни киритиш лозим.

Юқоридаги таклифларни амалиётга киритилиши мамлакатимизда давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан молиялаштиришда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабр № 276 (7778)
2. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси” тўғрисидаги ЎРҚ-360-сонли қонун. - Т: Адолат. 2022.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрда қабул қилинган “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т: 2022.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий қўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПФ-4086 сонли қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т: 2018.

5. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер с англ.- М.: Эксмо. 2007.

6. Государственный долг и внешние активы. Учебное пособие. Под. ред проф. В.Ю. Касатонова. -М: ИНФРА. 2010.

7. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник под ред. акад. Г.Б. Поляка. - М: Валтерс. 2010.

8. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. под. ред. д.э.н. академика В.К. Сенчагова, профессора А.И. Архипова –М.: Проспект. 2012.

9. Карсон Роберт Б. Что знает экономист. - М.: Финансы и статистика. 1994.

10. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси . Дарслик.-Т.: Iqtisod va moliya. 2009.

11. Маликов Т. С., Олимжонов О.О. Молия. Дарслик.-Т.: Iqtisod-moliya. 2019.

12. Маликов Т. С. Молия: назарий асослар. Ўқув қўлланма.-Т.: Iqtisod-moliya. 2021.

13. Н.Жумаев, У.Бурханов. Молиянинг долзарб муаммолари. –Т.: Янги аср авлоди. 2003.

14. Алимов И.И. Молия назариялари. Монография. -Т.:Иқтисодиёт. 2022.

15. Финансы капитализма. Учебное пособие. Под. ред. проф Б.Г. Болдырева. – М.: Финансы и статистика 1990.

16. Современная экономика. Многоуровневое учебное пособие. Под.ред. проф. О.Ю. Мамедова. – Ростов-на Дону. 1998.

17. <http://www.worldbank.org>- Жаҳон банкининг расмий сайти.

18. <http://www.cbu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб. сайти.

19. <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб. сайти.